

Шаҳодат калимасидаги нафий ва исбот

﴿ النفي والإثبات في كلمة التوحيد ﴾

[الأوزبكي – Uzbek – Ўзбекча]

АБДУЛҚАЮМ АБДУЛҒАФФАРХОН ЎҒЛИ

Нашрга тайёрловчи: Шамсиддин Дарғомий

2011 - 1432

IslamHouse.com

﴿ النفي والإثبات في كلمة التوحيد ﴾

« باللغة الأوزبكية »

عبد القيوم بن عبد الغفار خان

مراجعة: شمس الدين درغامي

2011 - 1432

IslamHouse.com

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

Бисмиллаҳир раҳманир роҳим

Шаҳодат калимасидаги нафий ва исбот

Шаҳодат калимаси икки қисмдан иборат бўлиб:

Биринчиси: нафий ёхуд инкор этишдир. Бу "Ла илаҳа", яъни ёлғиз Оллоҳдан ўзга барча "худо"лар ибодатини рад қилишни ўз ичига олган биринчи қисмдир.

Иккинчиси: барча ибодат ва сиғинишлар фақат ёлғиз Оллоҳ учун бажо келтирилиши шартлигини ифода қилувчи қисмдир. Бу "**Иллоллоҳ**", яъни барча ибодатга ҳақли зот ягона Оллоҳ таоладир, деган маънони ифода этади. Ҳақиқатда барча ибодатга ҳақли зот ёлғиз Оллоҳдир. Оллоҳ қалблар Унга талпинадиган, ризосига интиладиган зотдир. У зотга бандалари ҳожатмандликларида ҳам, бошларига мусибат тушганда ҳам дуо-илтижо қиладилар. Бинобарин махлуқотлардан бирини "**Илоҳ**" деб, сиғиниш ёки улардан мадад тилашлар табиий хилқатга ҳамда "**Ла илаҳа иллоллоҳ**" калимаси ўз ичига олган маънога бутунлай хилофдир. Ўйлаб кўринг, ожиз бир махлуқ "**худо**" ёки худога шерик бўлиши мумкинми?!

Парвардигориолам Ўзининг яқка-ю ёлғиз Тангри эканлигига гувоҳликни ана шу муборак шаҳодат каламаси орқали ифодалади. У зотнинг ягона Илоҳ эканини фаришталар ҳамда бандаларидан аҳли илмлари ҳам айнан шу калима орқали билдирдилар. "Ла илаҳа иллоллоҳ"нинг ҳақ калима эканига гувоҳлик бердилар. Оллоҳ таола айтади: **«Оллоҳ, фаришталар ва илм аҳллари – адолат билан ҳукм қилувчи ёлғиз Оллоҳдан ўзга ҳеч қандай тангри йўқ, фақат Унинг Ўзи борлигига гувоҳлик бердилар. Ҳеч қандай тангри йўқ, фақат Унинг Ўзи бор. У қудратли, ҳикмат соҳибидир»**. (Оли Имрон 18).

Демак, шаҳодат калимаси васф этган ва кўрсатган маъноларни пухта ўрганиб, унинг тақозосига амал қилган ҳар бир мусулмоннинг ақидаси тўғри-соғлом ақида ҳисобланади. Зеро, шаҳодат калимаси ихлос - айтувчисини Оллоҳга ширк келтиришдан сақловчи калимадир.

Калима-и шаҳодатни тилда айтиб, тақозосига амал қилган ҳар бир инсон куфр ва ширк ботқоғидан отилиб чиқади ва энг олий бахт-Ислом бахтига эришади.

Калима-и шаҳодатни чин юракдан айтган ҳар бир инсон уни талаффуз қилиши билан мўмин-мусулмонлар сафига қўшилади.

Калима-и шаҳодат: ҳар бир мусулмон учун қиёмат куни - Оллоҳ таоланинг ҳузурида мусулмонлигига ҳужжат бўлади.

Калима-и шаҳодат, мусулмонларнинг моллари, жонлари ва шаънларини ҳимоя қилгувчи калимадир.

Саҳиҳ хабарларда жаноб Росулulloҳ соллоллоҳу алайҳи ва саллам: **"Мен ва мендан олдинги пайгамбарларнинг айтган энг афзал сўзлари: "Ла илаҳа иллоллоҳ, ваҳдаҳу ла шарика лаҳ"** калимасидир, деб марҳамат қилганлар.

Ана шу муборак **"Ла илаҳа иллоллоҳ"** шаҳодат калимаси яратувчилик ва илоҳлик сифатларини ёлғиз Оллоҳ таолага исбот қилади.

Яратиш ва сиғиниш Оллоҳ таоланинг хос ҳаққидир. Шу боис, шаҳодат калимасининг маъносини англаб, илму-басира ила унга амал қилган ва ушбу калимани чин юракдан айтиб, сўзларини амаллари тасдиқлаган зотлар албатта Оллоҳ таоло ваъда қилган жаннатга, Оллоҳ ризосига сазовар бўлувлар.

* * *